

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИДА РУС МУАРРИХЛАРИНИНГ ЎРНИ

Жобборов Зокиржон Абдугаппор Угли

*Наманган давлат унверситети, тарих шуналиши 3-курс талабаси, Навоий номидаги давлат стипендиантси,
zokirjonjobborov1996@gmail.com*

A R T I C L E I N F O.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, тарихи, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахолисининг сиёсий тарихи, социо- иқтисодий, қадим замонлардан русийзабон муаррихларни ўзига жалб этиб келган.

Резюме

Бу мақолада Қўқон хонлиги тарихини, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий хаётини ўрганишда мухим бўлган рус тарихчилари асарлари тахлил қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Ўзбек хонликлари тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборидаги масалалалардан бири сифатида тадқиқот обьекти ҳисобланади. Ҳозирги кунгача хонликлар тарихи бўйича амалга оширилган ва яратилган илмий асарлар ҳамда илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта бўлиб, кейинги икки аср мобайнида хонлик тарихини ўрганишда турлича ёндашиш ва муносабатлар, айрим вақтларда тарихий жараёнлар ва тарихий воқеликни обьектив баҳоламаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Бу эса хонликлар тарихини тарихшунослик нуқта-назаридан чуқур таҳлил қилишни талаб этади.

Қўқон хонлиги XVIII-XIX асрларда Марказий Осиё ҳалқларининг ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий хаётида мухим рол ўйнаган. Қўқон хонлиги, Фарғона водийсининг кўп миллатли ахолисининг сиёсий тарихи, социо- иқтисодий хаёти қадим замонлардан русийзабон муаррихларни ўзига жалб этиб келган.

Қўқон хонлиги тарихини ўрганишдаги рус тарихчилари томонидан яратилган манбалар ўзининг хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Мисол учун: кундалик, хотира, эслатма, маҳсус мақолалар, очерклар, алоҳида тарихий асарлар мисол бўла олади. Қизиқарли томони шундаки, бу манбаларнинг муаллифлари савдогарлар, рус подшоси томонидан Қўқон хонлигини юборилган элчилар, рус подшосининг харбий вакиллари, рус саёхатчилари, шарқшунослардир.

Қўқон хонлиги тарихи хақида маълумот берувчи илк нашр этилган мақолаларнинг ичida Ф.Ефремов, Ф.Назаров, Поспелов, Бурнашев, Потанинларнинг маълумотларини ўрганилганда улар Қўқон хонлиги худудига саёхат қилганларида асосий эътиборларини ханликнинг ички сиёсий бошқаруви, ахолиси, табиий географик шароитлари, савдо сотик алоқаларини ўрганишга харакат қилганлар.

Рус армияси унтер офицери Ф.Ефремовнинг кундаликларида Қўқон хонлигининг ахолиси, миллатлари, уларнинг турмуш тарзи, мамлакатнинг ички хаёти, савдо-сотик тўғрисида маълумотлар ёзган. 1876 йил ёзилган “Тўқиз йиллик саргардонлик” номли китобида 1774 йилдан то 1882 йилгacha Ўрта Осиё хонликларида ўтказган хаётини ёритиш мобайнида Қўқон

хонлигинингхам ижтимоий –иктисодий соҳаларига тўхталиб ўтган. У асарида келтирилган маълумотларни махаллий халқлар билан мулоқот орқали ва ўз кўзи билан кўрган ходисаларни ёзган. Масалан, у шундай ёзади: “Қўқон хонлиги худудида яёв юрилса, Ўшдан Қошғаргача пиёда ўн уч кунлик йўл, бу йўл орасидаги тоғли худудда қирғиз миллатига мансуб ахоли яшайди”. [1.1. Б.135] Ф.С.Ефремовнинг маълумотлари мавхумроқ бўлсада, Қўқон хонлиги тарихини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Ундан кейин Қўқон хонлигига 1813 йил Петропавловскдан келган Ф.Назаров хам ўз кундалигига хонликнинг ички ижтимоий хаёти хақида қимматли маълумотларни бериб ўтган. Масалан, Андижон ва Ўш шахарлари ахолиси

.уларнинг машғулотлари, савдо алоқаларда фаоллиги ,бундан ташқари Қўқон хонлигининг маъмурий бошқаруви масаласига хам катта эътибор қаратган.

Н.И.Потанин Ф.Назаровдан 16 йил кейин Петербурдан қайтаётган элчиларни Қўқонгача қузатиб келади ва хонликнинг ички хаётини катта қизиқиши билан ўрганади. Шарқшунос олим П.С.Савельевнинг таъкидлашича, Н.И.Потаниннинг ёзиг қолдирган маълумотлари “бошқа саёҳатчиларнинг маълумотларида учрамайдиган ранг-баранг, аниқ”лиги билан ажralиб туради.[2.1. б. 252] Муаллифнинг қайдларида хонликнинг ички хаётига катта эътибор берилган. Н.И.Потанин хонлик шахар ахолисининг хаёти, давлат маъмурий бошқаруви, солиқ сиёсати, масжидлар, ер-мулк бошқаруви, савдо алоқалари хақида маълумотлар беришга харакат қилган.[3.1.б. 261]

XIX-асрнинг биринчи ярмигача ёзилган саёҳатчиларнинг кундаликларида келтирилган маълумотларда бир бирига боғлиқлик тизимли асосланмаган. Масалан, Қўқон хонлигининг ички хаётининг алоҳида қисми ёритилган холос. XIX-асрнинг 50-70-йилларида нашр этилган В.В.Вильямин-Зернов, П.И.Небольсина, В.Григорьев, А.П.Хорошхин, А.Кун, А.П.Федченко, В.Наливкин, М.Алибекова, Н.Ф.Петровский, С.Н.Нурекин, Н.Н.Пантусов ва бошқаларнинг асарларида Қўқон хонлигининг ички сиёсати, маъмурий бошқаруви, савдо-сотиқ алоқалари, солиқ сиёсати тарихи хақида тизимли маълумотлар кенгроқ учрайди.

В.В.Вильямин-Зернов томонидан ёзилган “Сведения о Кокандском ханстве” номли биринчи очерк Қўқон хонлигига фаолият олиб борган рус савдогари билан бўлган сухбат маълумотларига асосланган бўлиб, муаллиф хонликнинг сиёсий бошқаруви, мамлакатнинг маъмурий бошқаруви хаётига катта ахамият берган. Унинг гувоҳлик беришича мамлакатда икки сулола ўртасида таҳт учун кураш кетиши ва бу мамлакат ахолиси хаётида тартибсизликларни келтириб чиқаргани ачинарлидир. [4.1. Б. 113.] Бундай холат 1852-1853 йилларда қипчоқлар кирғини вақтида бўлганлигини изохлаб ўтади. [4.2. Б. 114.]

В.В.Вильямин-Зерновнинг иккинчи очерки “Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед-Али до Худояр хана” 1840-йилдан 1850 йиллар орасидаги воқеалар рус ва осиёлик савдогарларнинг маълумотлари асосида ёзилган. Унда Мадали хон, Шерали хон, Худоёр хон бошқаруви даврларида “қипчоқлар кирғини” воқеалари, Фарғона водийси ахолиси хаёти, мамлакат сиёсий холати баён этилади.

Қўқон хонлигининг ички хаёти хақида Д.Телятников ва А.В.Безносиковларнинг “Обозрение Кокандского ханство в нынешнем его состоянии” номли мақолосида хам баъзи маълумотлар жамланган. Унда муаллифлар Қўқон хонлигининг табиий-географик, тарихий-этнографик, иқтисодий холатлари хақида маълумот берганлар. Масалан, хонларнинг Минглар сулоласидан келиб чиққанлари, Абдукарим-бийнинг ўғли Абдураҳмон-бий, Эрдона-бий, Норбўта-бий, Мадали хон даврлари хонликда содир бўлган воқеалар хақида тўхталгандар.

XIX-асрнинг 70-йилларида шарқшунос олим А.Кун Қўқон хонлиги тарихига оид қимматли маълумотларни бериб ўтади. А.Кун ўз очеркларида хонлар тарихи, махаллий ахолининг турмуш

тарзи, дехқончилик, савдо-сотиқ қоидалари хақида тұхталиб ўтган.[5.1. Б. 40] Күп миллатли махаллий ахолининг турмуш тарзи хақида ёзиш вақтида мамлакатда йиғилган солиқлар, уларнинг микдори ва йигиш тартиби хақида хам маълумот беріб ўтган.[6.]

А.Кун, Н.Петровский, А.П.Хорошхинлар махаллий ахоли ичидә миллатлараро тортишувлар тез-тез содир бўлганлиги, улар мамлакат иқтисодий хаёти билан боғлиқ бўлганлиги ва бунинг асосий сабаби солиқ сиёсати эканлиги хақида хам тұхталиб ўтганлар.[5.2. Б. 419]

Н.Энгельгард, А.Н.Хорошхиннинг мақолаларида Кўқон хонлигининг номи ни келиб чиқиши тарихига тұхталишга харакат қилинади. Бундан ташқари муаллифлар XIX-асрнинг 70-йилларида хонликда содир бўлган халқ қўзғолонлари хақида тұхталиб ўтишади. Маълумки, ушбу халқ харакатлари хам хон томонидан солиқларнинг оширилиши сиёсатига қарши бўлган эди.[7.1.Б.42]

Кўқон хонлигининг сиёсий тарихи мамлакатда 40 йилдан ортиқ яшаган, шарқшунос олим В.П.Наливкин [8.]нинг махаллий тарихчиларнинг қўллэзма асарлари асосида ёзилган “Краткая история Кокандского ханства” асарида бир мунча кенгроқ ёритилгандир. Унда Кўқон хонлигининг қадимги тарихи, ўрта асрлардаги тарихига тұхталиб ўтилган ва хонлар оиласининг келиб чиқиши шажараси, худудларни кенгайтириш мақсадида уюштирилган харбий юришлар, хон саройидаги қоидалар, иқтисодий ва сиёсий хаёт, маъмурий бошқарув хақида хам маълумотлар бор. Лекин унинг баъзи маълумотлари хронологик жихатдан бир бирига мос келмайди, шундай бўлсада бу асардан сўнг биронта хам унга ўхшаш асар ёзилмаганлиги учун Кўқон хонлиги тарихини ўрганишда алоҳида қийматга эга. Муаллиф Кўқон хонлари Шералихон, Худоёрхон каби подшолар даврида мамлакатдаги сиёсий воқеаларни кенг ёритишига харакат қилган.[8.2.Б.161, 169, 172.]

Юқорида таҳлил қилишга харакат қилинган манбалар инқилобга қадар ёзилган рус тарихшунослигининг намуналари хисобланиб Кўқон хонлиги тарихини ўрганишимизда ўз даврининг қимматли маълумотларини бера олади. Бу муаллифлар асарларидаги асосий хусусият шундаки, улар рус тарихчилари ёки тадқиқотчилари учун деярли номаълум бўлган Кўқон хонлиги хақида, унинг аҳолиси, урф-одатлари, худудлари ва чегаралари, ҳарбий ахволи ва бошқалар юзасидан асосан илк ахборотларни тўплаганлар маълумот тарзида етказиб берганлар. Шунингдек, бу асарларда кейинги даврларда юзага келган «буюк давлатчилик» фояларини бўрттириб кўрсатиш каби холатлар сезилмайди.

Адабиётлар рўйхати::

1. Ефремов Ф.С. Российского унтер-офицера Ефремова, ныне коллежского асессора, десятилетнее странствование и приключение в Бухаре, Хиве, Персии и Индии и возвращение оттуда через Англию в Россию, описанное им самим // Русская старина. – 1898. – № 7. – М., 1952.
2. Савельев П.С. Предисловие к «Запискам о Кокандском ханстве хорунжего Потанина» // Вестн. РГО. – СПб. 1856. – Ч. 18. – С. 34.
3. Потанин Н.И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина 1830 годы) // Вестник РГО. 1856. Ч. 18. – С. 254–289.
4. Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве // Вестн. РГО. – СПб., 1856. – Ч. 18. – Кн. 5. – С. 107–152.
5. Кун Л. Некоторые сведения о Ферганской долине// Военный сборник, 1876. – № 4. – С. 417–448.
6. Собелев Л. Краткий обзор положения дел в Коканде //Туркестанский сборник. – Т. 152.
7. Энгельгард Н. Очерки Коканда // ТС. – Т. 458. –Ташкент, 1908.–С. 42–67.
8. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань. 1886. – 215 с.